

Зилола ХАЛИЛОВА

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқиунослик институти
докторанти, фалсафа доктори PhD
E-mail: zilola_kesh@mail.ru

ТУРКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ЛОЙИХАСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА
МАЪРИФАТПАРВАРЛАР
ФАОЛИЯТИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ
ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ
В РЕАЛИЗАЦИИ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЕКТА
В ТУРКЕСТАНЕ

ACTIVITIES OF EDUCATORS
IN THE IMPLEMENTATION OF
A PEDAGOGICAL PROJECT IN
TURKESTAN

Аннотация. Таълим феномени ҳар қандай тарихий жараёнларда нафақат шахсни тарбиялашда, балки миллатнинг ўзлигини шакллантиришда асосий аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу бевосита XX аср бошида Туркистон ўлкасида маҳаллий маърифатпарварлар томонидан таълим жараёни қайта ташкил этилишида кўзга ташланади. Мазкур мақола Туркистон тараққийпарварларининг фаолиятини таҳлилга бағишланади ва унда янги усул мактаб таълимини ташкил этилишидаги мураккабликлар, фойдаланилган дарсликлар, миллий зиёлилар ҳамда ҳукуматнинг ўзаро қарама-қаршиликлари ёритилган.

Таянч иборалар. таълим, миллий, Туркистон, диний, мактаблар, маърифатпарвар, лойиҳа, янги усул, дарсликлар.

Аннотация. Образовательный феномен имеет весьма важное значение не только в личностном воспитании, но и в формировании национальной идентичности. Это ясно проявилось в Туркестанском крае в начале XX века, когда местные просветители попытались приступить к реорганизации образовательного процесса. Настоящая статья посвящена анализу деятельности просветителей Туркестана. В частности, рассматриваются такие вопросы, как сложности при организации

новометодных школ, используемые учебники и противостояние национальной интеллигенции и государства.

Ключевые слова. Образование, национальный, Туркистан, религиозный, мактабы, просветители, проект, новометодный, учебники

Annotation. The educational phenomenon is very important not only in personal education, but also in the formation of national identity. This clearly manifested itself in the Turkestan region at the early of the 20th century, when local educators tried to start reorganizing the educational process. This paper is devoted to the analysis of the activities of the enlighteners of Turkestan. In particular, issues such as difficulties in organizing new-method schools, the textbooks used and the confrontation between the national intelligentsia and the state are considered.

Key words. Education, national, Turkestan, religious, maktab, enlighteners, project, new-method, textbooks.

КИРИШ

Жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий, маърифий ривожланишида таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Таълимнинг ташкил этилиши нафақат шахснинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида, балки миллатнинг ўзлигини сақлашда ҳам асосий роль ўйнайди. XX аср бошида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир гуруҳ зиёлилар томонидан миллий ва диний идентикликни сақлаш контекстида маориф ва таълим-тарбия соҳасида ислохотлар амалга оширилган эди. Бу ўзгаришлар ғарб типигада бошланғич мактабларда янгилаш ўқитишни ташкил этиш, таълимда динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини таъминлаш, халқларни ўз она тилида ўқитишни ташкил қилиш, маҳаллий тилда дарсликлар яратишни вазифа қилиб белгилади. Айнан шу даврда ўлкада анъанавий усулдаги мактаблардан фарқ қилган ҳолда янги усул ёки жадид мактаблари номи билан маҳаллий тараққийпарварлар томонидан таълим масканлари ташкил этила бошланди.

Мазкур мактаблар мураккаб ва зиддиятли даврда турли қарама-қаршиликларга дуч келган бўлса ҳам, унинг асоси ўлкада миллий мактабларнинг шаклланиш тизимини бошлаб берди. Айтиш мумкинки, Туркистонда маориф соҳасидаги ислохотлар

билан боғлиқ жадидчилик ҳаракати ва зиёлиларнинг таълимдаги фаолияти бир қанча тадқиқотларнинг объекти бўлган [1]. Бирок, таълимнинг ташкил этилишидаги муаммолар, давлат ва маҳаллий зиёлиларнинг ўзаро муносабати, бу борадаги рус маъмуриятининг қарашлари, мактабларда яратилган дарсликлар, уларнинг нашри, Россия империясининг, Совет давлатининг цензура сиёсати, янги усул мактабларининг ривожланиш ҳолати тадқиқотчилар назаридан четда қолмоқда.

Мазкур мақолада айнан XX аср бошида янги усул номи остидаги мактаблар очиш жараёнидаги муаммолар, маърифатпарварларнинг мактаб очиш ишига рус маъмуриятининг берган баҳоси, мактаб дарсликлари, уларнинг нашри, мактаб лойиҳасининг натижалари таҳлил қилинади.

МУҲОКАМА

XIX асрнинг II ярмидан бошлаб Туркистон ўлкаси мактаб соҳасида турли қарашлар, баҳс-мунозаралар ҳудудига айланди. Ўлкада империя маъмурлари томонидан рус мактаблари (гимназия, прогимназия, кадетский корпус, рус-тузем мактаблари) тизими ташкил этилган бўлса ҳам, аҳоли ўзининг эски усулдаги мактаб тизимидан фойдаланишда давом этди. Айтиш мумкинки, айнан шу даврда маҳаллий аҳоли орасида татар зиёлилари раҳбари Исмоил Ғаспирали ғоялари таъсири остида янги усул номидаги мактаблар очиш тажрибаси ҳам қўлланила бошланди. У янги усул “ал-жадидия” мактаблари деб номланиб, унда ислом илмлари сақланган ҳолда ўзида янги замонавий ўқитиш усуллари компонентларини бирлаштириши керак эди. Мазкур таълимда янги методикани қўллаш, хорижий тиллар, рус тили, дунёвий фанларни ўрганишни назарда тутарди. Натижада бир гуруҳ Туркистон маърифатпарварлари томонидан хат-савод ўргатишни ислоҳ қилиш бошланиб, бунда ўз она тилида савод чиқариш, таълимни тизимли босқичма-босқич ташкил этиш, синф ўқувчиларини гуруҳларга ажратиш, машғулотларни дарс сифатида ташкил этиш, кўрғазмали қуроллар билан янги замонавий усулдаги таълимни ташкил этишга киришилди. Бу мактаблар таълимида халқнинг миллий ва диний ўзига хос анъаналарини бирлаштиришга эътибор қаратилди.

Таъкидлаш ўринлики, 1906 йил Қуйи Новгородда бўлиб ўтган мусулмонлар йиғилишидан сўнг Россия мусулмонларининг ислом ғоялари билан бойитилган озодлик ҳаракати миллий мактаблар яратиш соҳасида муҳим босқични расман бошлаб берган бўлсада [6:91], аслида Туркистонда “усули савтия” номи остида мактаблар очилиши маҳаллий зиёлиларнинг ҳаракати билан XIX асрнинг 90 йилларидан бошланган. Бу жараёнда ҳукумат вакиллари билан маҳаллий аҳоли ўртасида ўзаро қарама-қаршиликлар юзага келиб, рус маъмурлари маҳаллий мактабларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор берган. Жумладан, “Секретно” махфий белгиси остидаги Маориф Министрлигининг ёзишмаларида мусулмонларнинг таълимда олиб бораётган фаолиятлари хавотирли эканлиги, айниқса, татар зиёлиси Исмоил Ғаспирали ғоялари фақат таълимда эмас, бошқа соҳаларга ҳам кириб бораётгани айтилиб, ким томонидан ва қаерда янги усул мактаблари очилгани, уларнинг ўқитувчилари ким эканлиги, жадидлар томонидан нашр қилинаётган китоблар муаллифи, муаллифларининг мутахассислиги, уларнинг ёш турклар билан алоқаси бор, йўқлиги? Янги усул мактаблари фаолияти қайси ташкилот томонидан назорат қилинаётгани сўралган [7:289-290].

Мазкур маълумот, шу даврда мактаб очиш масаласи мустақил ҳал қилинмаганлигини, янги усул мактабларини очиш учун генерал губернаторлик ва Маориф вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб қоидалар асосида ташкил этилганини кўрсатади. Бу жараёнда 1898 йилги буйруқ асосида мактаблар маҳаллий маъмурият рухсати билан очилиши зарур деб белгиланган бўлса [8:21] ва 1870 йил 26 мартда қабул қилинган “Рус бўлмаган аҳоли (инородец) таълимига оид тадбирлар” қонунига биноан ҳамда умумий характердаги 1907 йилги рус бўлмаган аҳоли таълим қоидаларига биноан, рус бўлмаган аҳоли вакиллари фақат ўзининг қавмига тегишли болаларни ўқитишлари мумкинлиги айтилади [8:53-53 об]. Мазкур қонун асосида ишлаб чиқилган қўлланмада Туркистон ўлкасида мактаб ва мадрасалар, рус бўлмаган аҳоли учун билим юртлари очиш халқ билим юртлари нозири рухсати билан амалга оширилиши белгиланди. Унда қаерда ва ким

томонидан мактаб очилаётгани, мактабда қанча ўқувчи бўлиши, унинг молиявий таъминланиши, дарсликлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилиши сўралган. Мадраса (ўрта таълим) очишга фақат шаҳардагина рухсат берилиб, унда ҳам рус тилини ўрганиш мажбурий тарзда киритилиши ва рус тили ўқитувчиси учун тўланадиган ойлик маош пули мактаб ташкил қилувчи ташкилотчи томонидан қопланиши қайд этилди [7:176-176 об].

Мазкур қонун асосида 1894 йил 16 мартда Халқ Маориф Министрлиги Туркистон ўлкаси бош нозири М.Каренский маҳаллий аҳолининг турли маблағлар ҳисобига хусусий мактаб очилишига рухсат берилиши бўйича талаблар ишлаб чиқиб, унга кўра мактаб очувчи маҳаллий, рус ёки рус ҳокимияти фуқаролигини қабул қилган бўлиши, ўқув бошқармасидан ўз диндошларини ўқитиш ҳуқуқини берувчи бошланғич ўқитувчи гувоҳномасига эга бўлиши кераклиги, очиладиган мактаб ўқув бошқармасига мактаб режасини (қандай ёшдаги болалар ўқийди, қайси ўқув фанлари, қанча ўқувчи бўлади, мактаб жойи қаерда бўлиши) тақдим қилиши [9:7-8 об] сўралади. Гарчи, Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бошқармаси томонидан янги усул мактаблари очиш тартиби ҳақида алоҳида низом ишлаб чиқилмаган бўлса ҳам, ҳукумат маъмурлари уни конфессионал (анъанавий) мактаб қоидалари асосида бошқарди [10:6-14]. Шу тариқа янги усул мактаблари очиш таклифи фақат ўз ҳудудлардаги таълим вакилликларига мурожаат асосида амалга ошадиган бўлди.

Айтиш мумкинки, мактаб очиш соҳасида турли қийинчиликлар ва мураккабликлар бўлишига қарамай, маҳаллий тараққийпарварлар ташаббуси ва молиявий маблағлари асосида ўлкада дастлабки янги усул мактаблари очила бошланди. Масалан, 1893 йилда Самарқандда Абдулгани Ҳусаиновнинг маблағи ҳисобига янги усул мактаби очилиб, товушли усул методи талаблари асосида болаларни ўқитиш бошланган бўлса [3], Қўқон шаҳрида 20 та янги усул мактаблари (100 та тингловчи), кейинги йилларда Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхонов (145 та ўқувчи), Ишонхўжагон Хожаев (120 та ўқувчи), Собиржон Ражабов (120 ўқувчи) ташаббуси билан очилди. Бундай таълим муассасаларида ўқиш 4 ёки 3 йиллик бўлиб, мактаб таркибида тайёрлов курси

ҳам мавжуд бўлган. Мазкур мактабларнинг ўқитувчилари мадраса битирувчилари ёки турли курсларда таҳсил олганлар ташкил этди.

Маҳаллий миллатлар томонидан янги мактабларни очиш ҳаракати рус бошқаруви маъмурияти томонидан турлича талқин қилинган бўлиб, ҳукумат мусулмонларнинг бундай бирлашуви ва мактаб ислохотларини доим ҳам ижобий баҳоламаган. Масалан, 1913 йилда 22 сентябрь Ички ишлар вазири Н.Маклаковнинг хатида айтиладики, Туркистонда мактаб ҳаракати (янги усул мактаблари) халқ ҳаракатига бутунлай айлангани йўқ, лекин улар ижобий ишлар билан натижаларга эришиши шубҳасиз. Шу билан айтиш керакки, мазкур мактаблар мутаассиб аҳоли томонидан яхши қабул қилинмади. Улар томонидан бу жараён “ўрнатилган муқаддас анъаналардан узоқлашиш” деб баҳоланди.

Мазкур ҳаракатчилар (маҳаллий мутаассиб дин вакиллари) ўзлари билмаган ҳолда мусулмон мактабларини миллийлаштиришга қарши курашадиган ҳукуматнинг иттифокчилари ҳисобланадилар ва маҳаллий бошқарув уларга алоҳида эътибор бериши, уларнинг жамиятдаги мавқеидан фойдаланиб, янги усул мактаблари фаолияти ривожланишга қарши туришда улардан фойдаланиши керак. Давлат қизиқишларига хавф соладиган мусулмон мактабларини миллийлаштириш ҳаракати устидан керакли тадбирлар олиб борилиши лозим [6:92-93]. Мазкур ёзишмада келтирилган маълумот миллий мактаблар ишининг ташкил қилиниши масаласи Россия империясининг миллатларнинг ўз-ўзини англаш ва алоҳида ажралиб чиқишларига имконият бермаслик мақсадлари бўлганлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Юқоридаги маълумот ҳарбий вазирнинг миллий мактаб очилишига муносабатида давлат қизиқишлари биринчи ўринга қўйилган бўлса, рус маъмурияти вакиллари томонидан маҳаллий зиёлилар томонидан очилган янги усул мактаблари фаолияти юзасидан ижобий фикрлар ҳам билдирилган. Масалан, “Туркестанские ведомости” газетасининг 1916 йил 16 ноябрдаги 248-сониди Гр. Андреев “К открытию университета в Туркестане” мақоласида маҳаллий аҳолининг ўзи мусулмон таълимини ислох қилиб янги усул мактаблари очиб олганини, бу мактаблар ўзининг ўқув

фанлар дастури билан рус мактаблари тизимидан юқори эканлиги, дастлабки ташкил топиши билан эски мактабларни ортда қолдирапти деб келтирса [4], хориж тадқиқотчиси С.Чатержи Марказий Осиёдаги таълим ислохотларини таҳлил қилган ҳолда, жадидларнинг бу фаолиятини маърифатпарварларнинг таълим ислохотида ўлка тарихи ва маданиятининг илдизларидан узоқлашмаганликларини таъкидлаб ўтади [11:1125-1135].

Агар янги усул номи остидаги бошланғич мактабларда ўқув режаси ва таълим таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бундай таълим муассасаларида ўқиш 4 йиллик бўлиб, шу билан бирга тайёрлов курси ҳам мавжуд бўлган. Ўқиш жараёнида куйидаги дарсликлар киритилган: Она тилини ўрганиш фанидан алифбени ўқиш “Муаллими аввал”, “Бизнинг мактаб” 1-2-3 қисмлар, “Яни Қираъат”, “Мунтазам Қираъат”, “Мектеб дунья маълумоти” 1-2-3 қисмлар, грамматика фанидан “Сарф ва наҳв туркий”, тўғри ёзиш қоидалари, диктант ва ёзма баён; Дин таълимоти фанидан: “Ақида”, “Аркони ислом” 1-2-3 қисмлар, “Мухтасар ва Муфассал”, “Илми ҳол”, “ал-Қуръон”, “Азкори солат”; Тарих фанидан “Тарихи анбиё” 1-2 қисмлар, “Асри саодат”, “Тарихи ислом” 2-3 қисмлар, Россия тарихи; География фанидан “Мухтасар жўғрофия”, “Таълим жўғрофия” 1-2 қисмлар, “Жўғрофия-гумрани”; Табиатшунослик фанидан “Дастлабки Қироъати фанния”, “Тарихи – табиъий”; Арифметика фанидан “Илми-ҳисаб” (Рус масалалар тўпламидан тузилган китоб) [6:65-65 об].

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўрииб турибдики, 1910 йилга қадар, аксарият янги усул мактаблари татар тилида ёзилган дарсликлардан фойдаланилган. Архив маълумотларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, 1911 йилда ҳам, гарчи 1902 йилдан маҳаллий тилда китоблар нашри бошланган бўлса ҳам, аксарият янги усул мактаблари татар тилида ёзилган дарсликлардан фойдаланиш давом этган. Шу даврда дарсликлар муаммоси тезликда ҳал қилинадиган муаммо бўлмаган. Бу бевосита ҳукуматнинг рухсати билан нашр этилиши бўлса, бошқа томондан шу даврга қадар маҳаллий тилда дарсликлар яратиш тажрибаси бўлмаган. Хусусан, ўлка Маориф нозирлари томонидан сарт маҳаллий тилнинг саёзлиги ва унинг грамматикаси мавжуд

эмаслигидан унда дарсликлар ёзиб бўлмаслиги каби фикрлар билдирилган. Масалан, рус маъмури Н.Лыкошин рус китобларини сарт тилига таржима қилиб бўлмаслигини, сарт тили шевалари саёз ривожланган бўлиб, у илмий терминологияларни ўзида бирлаштирмаслиги ва бу таржимада акс эттириш қийин бўлишини айтиб, сарт тилида дарсликлар ёзиб бўлмади деб салбий баҳолаган [2].

Туркистон ўлкасида 1900 йилдан бошлаб маҳаллий тилда дарсликлар яратиш тажрибаси бошланган бўлиб, жумладан, 1902 йилда дастлабки алифбе китоби (муаллиф С.Саидазизов) яратилган бўлса, кейинги босқичда янги усул номи билан очилган мактабларда ўқитиш учун ўқиш, география, тарих ва бошқа мактаб дарсликлари маҳаллий тилда нашр қилинди. Маҳаллий тилда дарсликлар тузиш ишида М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Ибодий, А.Шакурий, С.Ализода, Сиддикий, С.Саидазизов каби маърифатпарвар педагоглар томонидан араб ҳарфлари асосидаги ўзбек тилида дастлабки дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Улар яратган дарсликлар эски мактаб ва мадраса дарсликларидан фарқ қилиб, дарслик яратиш тамойили, дарсликнинг муайян методик мақсадлари, ўқувчилар ёши ва дунёқарашига мос бўлиши зарурлиги кабиларга амал қилинди. Рус маъмури Гр. Андреев рус маъмуруларининг сарт тили грамматикасини салбий баҳолаган маъмурулар иқтибосини танқид қилиб, сартлар томонидан дарсликлар яратилганини ижобий баҳолайди [4].

Бу ерда таъкидлаш лозимки, мактабларда маърифатпарварлар томонидан ўз ўқувчиларига ақоид, ислом тарихи каби диний фанлардан сабоқ берилган. Ақоид фанидан Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг “Ҳавожи диния”, Абдулваҳоб Ибодийнинг “Эътиқоди исломия”, Аҳмадjon Қорининг “Аҳам ул-ислом” каби дарсликларидан фойдаланилган [5]. М.Бехбудий, А.Авлоний ва А. Фитрат каби тараққиётчилар ислом тарихи фанидан дарсликлар яратганини қайд этиш лозим.

Дарсликлар таҳлили шуни кўрсатадики, бошланғич мактаблар учун ўқиш ва хрестоматия китоблари асосан, Тошкентда ва Самарқандда (форс-тожик тилида) нашр қилинган. Бухоро амирлигининг бу даврдаги маданий, ижтимоий сиёсий аҳамияти катта бўлишига қарамай,

янги усул мактаблари ва дарсликлар нашри борасида маълумотлар жуда кам учрайди [11:1125-1135]. Мазкур дарсликлар халқнинг миллий ва диний кадриятларини ўзида тўлиқ акс эттира олмади. Чунки уларнинг нашри фақат рус маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилиб, белгилаб қўйилган талаб ва мажбуриятлар мавжуд эди. Масалан, 1910 йил 30 январда 1-туман Халқ маорифи нозирининг Тошкентдаги мактаблар фаолияти борасидаги фикрларида: “янги усулдаги мактабларга нисбатан қандайдир кўринишдаги қоидалар ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, ўқув дарсликларига нисбатан цензура қўйиш, уларни китоблар ҳолатини кўриб чиқиш учун Халқ маорифи Министрлиги илмий кенгаши махсус бўлимига ёки ўқув округларидаги махсус комиссияларга бериш, фақат шу комиссиялар томонидан тасдиқланган китоб ва ўқув қўлланмаларидангина фойдаланиш айтилади [6:161-161 об].

Таъкидлаш ўринлики, бу жараёнда кейинги йилларда жумладан, 1917 йилдан кейин нашр қилинган дарсликларда дунёвийлашиш ёки сиёсий воқеаларнинг таълимга аралашуви кузатилиб, асосан, империя сиёсатининг баъзи жиҳатлари дарсликларнинг таркиби ва мундарижасида акс эта бошлади, бу бевосита ўқиш китобларида сиёсий тарғибот матнлари ва тасвирлари сифатида намоён бўлди.

ХУЛОСА

Умуман, Туркистон мусулмонларининг XX аср бошида маориф ва таълимдаги ислохотлари ўзида миллий ва диний анъанавийлик белгиларини сақлаб қолди. Бу жараёнда ўлкада замонавий талаблар асосидаги мактаб тизими ташкил қилинган бўлиб, унда саводни она тилида чиқариш, шу билан бирга дин дарслари ҳам ташкил этилди. Таълимнинг асосини ўз она тилида ўқитиш ташкил этиб, ўқувчилар форс, араб, рус тилини мукамал ўрганишлари белгиланди. Бошланғич таълимнинг давоми сифатида янги кўринишдаги мадрасалар фаолияти жуда кам кузатилади, чунки уларнинг ривожланиши учун молиявий маблағлар ва педагогик дастур тўлиқ шаклланмаган эди.

Жадид зиёлилари томонидан маҳаллий тилда тузилган ўзбек тилидаги дарсликлар дастлабки миллий дарсликлар сифатида

Ўзбекистон тарихидан ўрин олди. Бироқ, дарсликлар муаммоси бутун Туркистонда тўлиқ ҳал қилинмади, уларни миллий ва диний кадриятларни ҳисобга олиб яратишда ҳукумат нозирлари томонидан турли тўсиқлар қўйилди. Шунинг учун дарсликларнинг аксарияти Россия империясида нашр қилинган китоблар мундарижаси ва мазмунини такрорлади. Айтиш лозимки, янги усул мактабларининг молиявий жиҳатдан қўллаб қувватланмаганлиги, ўқитувчи кадрларнинг янги усул ўқитиш тизимидан беҳабарлиги, дарсликлар етишмаслиги каби муаммолар уларнинг тугатилишига олиб келди. Мактаб ишида фаол иштирок этган жадид маърифатпарварлари фаолияти тазйиқ остига олиниб, Совет ҳукуматининг ўрнатилиши билан Совет мактаблари тизими ташкил этилди.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат савод ўргатиш. – Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1960; Mobin Shorish. Back to Jadidism: the future of Education in Central Asia // Islamic Studies, Vol. 33, Iss. No. 2/3, Special Issue on Central Asia (Summer-Autumn 1994); Khalid, Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia, Berkeley: University of California press, 1998; Paul Werth. Inorodtsy on obrusenie: religious conversion, indigenous clergy, and the politics of assimilation in late-imperial Russia // Ab Imperio, Vol.2, 2000; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. – Т.: Noshir. 2012.
2. Лыкошин Н. Еще о книгах туземцев // Туркестанские Ведомости. 1901. 11 февраль.
3. Туркестанские ведомости. 1208-сон, 1893 йил 5 сентябрь.
4. Туркестанские ведомости. 1916 йил 16 ноябрь.
5. Ходжа Маҳмод Ходжа Бегбуд Ходжаев. Алифбои мактаби исламия. – Самарқанд, 1905; Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Таҳр. С.Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001.
6. Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда ЎзМА), Ф. И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 1148-иш.
7. ЎзМА, Ф. И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 601-иш.
8. ЎзМА, Ф. И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 955-иш.
9. ЎзМА, Ф. И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 387-иш.
10. ЎзМА, Ф. И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 1149-иш.
11. Suchandana Chatterjee. Modernizing Education in Central Asia: limitation of jadidism in the Emirate of Bukhara // Proceedings of the Indian History Congress, Vol. 61, Part Two: Millennium (2000-2001).